



Зафар ФАЙЗИЕВ,

Ўзбекистон Миллий университет тадиқотчиси

E-mail: z.b.fayziyev87@mail.ru

Гофур ХОЛМЮМИНОВ,

Тошкент вилояти Чирчиқ педагогика институту ўқитувчisi

E-mail: gofur6444@mail.ru

ЎзМУ доценти О.Мусаев тақризи остида

ЁШЛАРНИНГ МАЊНАВИЙ-АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТОЛЕРАНТЛИК ХИСИНинг МОҲИЯТИ

Аннотация

Ушбу мақолада ёшларимизнинг мањнавий-ахлоқий сифатларини шакллантиришда толерантликни ўрни ва аҳамиятининг долзарблигига тўхталиб ўтилган. Мамлакатимизда жадаллик билан амалга оширалаётган ислохотлар ва янгиланишлар даврида ёшларнинг билимларини бойитиш, уларнинг мушкул холатларга тушиб колишдан химоя килиш, толерантлик тамоийлари асосида тарбиялаш ва кучли манавий – ахлоқий ислоҳатлар олиб бориши сиёсатимизнинг устивор йўналишларидан бири бўлиб бормоқда. Ёшларимизнинг замонавий таълим тарбия олишда, уларнинг мамлакатимизда истикомат килаётган 120 дан ортиқ турли миллат вакиллари билан муносабатда бўлишда толерантлик тушунасининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: Толерантлик, мањнавият, ахлоқ, таълим, янгича дунёкараш, ёшлар, ватанпарварлик.

СУТЬ ТОЛЕРАНТНОСТИ В ФОРМИРОВАНИИ ДУХОВНО-НРАВСТВЕННЫХ КАЧЕСТВ МОЛОДЕЖИ

Аннотация

Эта статья посвящена роли и важности толерантности в формировании духовно-нравственных качеств нашей молодежи. Обогащение знаний молодых людей, защита их от трудных ситуаций, обучение их принципам толерантности и проведение сильных духовно-нравственных реформ становятся одним из приоритетов нашей политики в период стремительных реформ и обновления в нашей стране. Концепция толерантности играет особую роль в современном образовании нашей молодежи, в их отношениях с более чем 120 различными национальностями, проживающими в нашей стране.

Ключевые слова: Толерантность, духовность, нравственность, образование, новое мировоззрение, молодость, патриотизм.

THE IMPORTANCE OF TOLERANCE IN THE FORMATION OF SPIRITUAL AND MORAL QUALITIES OF YOUNG PEOPLE

Annotation

This article focuses on the role and importance of tolerance in shaping the spiritual and moral qualities of our youth. Enriching the knowledge of young people, protecting them from difficult situations, educating them on the principles of tolerance and carrying out strong spiritual and moral reforms are becoming one of the priorities of our policy in the period of rapid reforms and renewal in our country. The concept of tolerance plays a special role in the modern education of our youth, in their relations with more than 120 different nationalities living in our country.

Keywords; Tolerance, spirituality, morality, education, new worldview, youth, patriotism.

Бугунги глобаллашув шароитида диний бағрикенглик, конфесиялараро ҳамжиҳатлик мамлакат баркарорлигини таъминлашда мухим аҳамият касб этмоқда. Истиклол йилларида юртимизда конфесиялараро ҳамжиҳатлик холатига бўлган ижобий муносабат мамлакатимиз тараққиётида янги давр бошланишига замин яратди. Айниска бағрикенглик ва инсонпарварлик маданияти тараққиётида диний бағрикенглик, конфесиялараро ҳамжиҳатлик мухити хукм сурини, ўз навбатида фуқароларимизни, хусусан ёш авлодни Ватанга мухаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда мухим аҳамият касб этмоқда [1].

Ўз навбатида мазкур омиллар Ўзбекистонда давлат сиёсатининг мухис устивор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонига биноан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Ҳаракатлар

стратегиясининг бешинчи устивор йўналишида белгиланган хавфсизлик, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташки сиёсат юритиши, давлатимиз мустақиллиги ҳамда мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашда диний бағрикенглик ва конфессиялараро ҳамкорликни таъминлашда мухим аҳамият касб этади[2].

Демократик нуқтани назардан янгиланаётган, ўзгараётган ва ривожланиб бораётган жамият ёшларимизни ўзига хос синовдан ўтказиб келмоқда. Мамлакатимиз жамиятини демократлашириш, модернизациялаш, фаол фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш жараённида ёшларнинг ўрни ҳамда масъуллиги кучайиб бормоқда. Янгиланаётган Ўзбекистонда янгича дунёкарашда ёшларга доир давлатимиз раҳбарияти олиб борилаётган давлат сиёсати: бу борада мавжуд конунчилик, янги карорларни кабул килиниши ва ислоҳатларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон тараққиётида мустаҳкам кучли таянч бўлмоқда ва креактив тафаккурга эга бўлган ёшларнинг янги авлоди

шаклланмоқда. Бу хусусиятлар ёшларнинг ўқиши, билим олиши, маълум бир касб эгаллаши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, сиёсий ва фукаролик хукуклари га оид билмларни эгаллаши, ўз дунё карашини шакллантириб, мустақил муносаҳада юрита олиш, оила куриш ва хакозолар билан тавсияланади. Бугунги кунда мамлакатимизда жадаллик билан амалга ошираётган ислоҳатлар ва янгиланишлар даврида билан бир каторда ёшларни толерантлик тамоилилари асосида тарбиялаш ва кучли ижтимоий-сиёсий ислоҳатлар олиб бориши сиёсатимизнинг устивор йўналишларидан бири бўлиб бормоқда. Ёшларимизнинг замонавий таълим ва тарбия олишларида, уларнинг мамлактимизда истикомат килаётган 120 дан ортик бошқа миллат вакиллари билан муносабатда бўлишида толерантлик тушунасаннинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Аввало, толерантлик тушунчасининг лингвистик жиҳатдан мазмунини кўрадиган бўлсак, у турли тилларда ўзига хос, шу билан бирга ўзаро ўхшаш мазмунларни билдириб келган [3] **tolerancia** (испан) – Ўзиникидан ўзгачарок бўлган фикр ва мулоҳазаларнинг мавжудлигини тан олиш; **tolerance** (француз) – Бировлар ўзингдан кўра бошқачарок тарзда фикр килиши ва амаллар килишини англаш асосида курилган муносабатлар; **tolerance** (инглиз) – Бировларга нисбатан сабр-бардошли бўлишга тайёрлик; **kuan rong** (хитой) – Бошқаларга нисбатан хамдард ва эъзозли муносабатда бўла олиш; **tasamul'** (араб) – Кечиримли бўлиш, сабр-бардошли, юмшоқлик, хамдардлик, ўзгаларга яхши муносабат, меҳр, дардкашлиқ; **терпимость** (рус тили) – бирор нарса ёки кимнингдир амаллари ва сўзларига бардошли бўла олиш, бирор нарса ёки ходисанинг мавжудлигига эътиroz билдирилмаслик, бировлар фикрларини инобатга олиш, сабр ва бардошлилик; **бағрикенглик** (ўзбек тили) - оламдаги нарса ва ходисаларни кенг англаш, бировларни бағрикенглик билан қабул килиш, ўзагаларга меҳр ва муруват кўрсатиш, эъзозли, иззатли ва хурматли бўла олиш, меҳмоннавозлик, ўзга инсонларни яратганинг неъмати сифатида кабул килиш, каттага хам кичикка хам бир хилда яхши муносабат кўрсата олиш, атрофдагилар билан доимий яхши муносабатда бўлиш демакдир.

Ёшларимиз толерантлик сифатига эга бўлмасдан туриб ўзга миллат, маданият ва ўзга динга эътиқод қилувчи одамлар билан самимий, беғараз муносабатда, муомалада ҳамда мулокатда бўлиши жуда қийин кечади. Толерантлик кўп киррали ва мураккаб тизим ифодаси бўлиб, айни чоғда ёшларни толерантлик руҳида тарбиялаш ижтимоий муносабатлар ҳосиласи сифатида жамиятга хос инсоний меҳр оқибат, меҳр мухаббат, ўзаро ёрдам, хамжиҳатлик, хамдардлик, бағрикенглик каби муносабатларда акс этади.

Бу ҳолатлар мамлакатимиз ёшларининг қайси миллатга мансуб бўлишидан қаттий назар маънавий руҳиятига ўз таъсирини ўтказмасдан колмайди. Толерантлик-ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий, маърифий сифатларини шакллантиришдаги муаммоларни бартараф этишда, таълим ва тарбиявий ишлар самарадорлигини шакллантиришда, соглом, мустақил фикрлаш тафаккурини шакллантириш имкониятларини оширади. Ёшларнинг онгу тафаккурини толерантлик, маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа эканлигини Президентимизнинг куйидаги фикрларида ифодалаб ўтиш мақсадга мувофиқидир: “Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг ийрик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанди куни, фарновонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, бунинг учун ёш авлодни ижтимоий кўллаб-

кувватлаш, унинг хуқук ва манфаатларини химоя қилиши, деб хисоблаймиз” [4] деган фикридан шуни англар мумкин, маърифат ёшларда толерантликни шакллантиришдаги омил сифатида кўрсатиш мумкин. Толерантлик тарбияси дунёнинг яккалик, алоҳидалик, ажралганлиқдан кўра умумийликга, одамийликга томон ҳаракатини кучайтириб, ёшларда миллий ўзликни англар хамда азалий бағрикенглик туйғусини шакллантиришга хизмат қиласа. Мамлакатимизда баркамол ёш авлодни толерантлик руҳида тарбиялашнинг катор устувор йўналишлари белгилаб олинган холда таълим-тарбиявий ишлар олиб борилмоқда. Биз уларни куйидагиларда:

- оила юкори маънавий-ахлоқий муҳитни ривожлантириш ва баркамол авлодни шакллантириш учун шарт-шароитларни яратиш;

- фарзандларнинг дунёга соғлом тарзда келишига оила, давлат ва жамиятнинг эътиборини кучайтириш;

- ёш авлоднинг соғлом тарбия ва уларнинг яхши таълим олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш ишларида кўришимиз мумкин.

Ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий сифатларини толерантлик руҳида тарбиялаш – соғлом маънавий муҳитни, кучли ижтимоий химоя ва моддий таъминотни ташкил этиш билан амалга оширилади. Толерантлик фазилатларини тарбиялашда таълимнинг инсонпарварлашуви, бошқа томондан эса гуманитар ва ижтимоий фанларни ўқитиш усусларини такомилашувини талаб этилади. Ёшларимизнинг тарбиясидаги энг асосий жиҳат унинг маънавий соғломлигидир. Шунинг учун ҳам таълим тарбияда толерантлик масаласини ёритиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳақда профессор Р.Х.Муртазаева толерантликнинг ёшлар тарбиясидаги тутган ўрнига тўхталиб, куйидагича фикр билдиради: “Ҳамма жойда ва барча соҳада толерантлик муҳитини яратиш шубҳасиз осон вазифа эмас. Тарбия-тоқатсизликнинг олдини олишда энг самарали восита хисобланади. Шу сабабли ёшларни толерантлик руҳида тарбиялашни ҳозир биринчи даражали вазифа деб хисобламоқ керак. Ёшларни толерантлик руҳида тарбиялашни кўпгина давлат ва жамият муассасаларининг умумий вазифасидир. Шу билан бирга жойларда “Бағрикенглик марказлари” деб аталган илмий-амалий марказлар ташкил этиш ҳам ёшларни толерантлик руҳида тарбиялаш муаммоларини хал этишда муҳим ўринда туради [5].

Толерантлик ёшларнинг хукукларини химоя килиш ҳамда этник, хукукий вас сиёсий жиҳатдан муносабатларни белгиловчи фаол турмиш шакли сифатларидан намаён бўлади. Ёшларда толерантликни маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантиришда, уларни мустақил фикрлашга, танқидий мулоҳаза юритишга ўргатишда, уларда ахлоқий кадрятларга асосланган қарашларини шакллантиришга кўмаклашади. Ёшларнинг маънавий-ахлоқий сифатларини толерантлик руҳида тарбиялашда, толерантликнинг барча ҳалқлар ўртасидаги тинчлик ва уларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишининг зарур шарти деб хисобланishi, буни эса ўсиб келаётган ёшларимизга тушинтириш жамият тараққиётидаги муҳис асос бўлади.

Толерантликнинг хукукий асослари мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Вижон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ти, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ти, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ти, “Таълим тўғрисида”ти конунлар, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, Мехнат кодекси, “Фуқароларнинг сайлов хукуклари кафолатлари тўғрисида”, “Жамоат ташкилотлари тўғрисида” каби конунлар орқали кафолатланган. Ёшларнинг маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантиришда толерантликнинг

ўрнини бир қанча омиллар билан эътироф этиб ўтишимиз мақсадга мувофиқдир:

- ёшларни миллий истиқолол гоялари асосида тарбиялашда толерантликни муҳим омил сифатида караши;

- ёшларда ватанга муҳаббат, инсонийлик, адолатлилик, бағрикенглик тушиңчалари асосида таълим ва тарбия жараёнини янада шакллантириши;

- ёшларда толерантликни шакллантиришда тарбиявий жараёнларда оила ва таълим муассасалари хамкорлигини амалга оширилиши;

- ёшларни тарбиявий жараёнларда мустакил фикрларни тафаккурини шакллантиришларида кўришимиз мумкин.

Толерантликнинг ёшларда маънавий-аҳлоқий жиҳатдан шакллантиришдаги ўрнини, уларнинг давр талаби асосида тарбия олганлигига, жамиятда ўз ўрнини топа олиш жараённинг кўпгина инсонлар билан мулокатда бўлиш жараёнларида кўришимиз мумкин. Негаки улар жамиятда турли хил фикрлайдиган инсонлар билан, бошқа миллат вакиллари билан муносабатда дуч келадилар. Толерантлик руҳида тарбияланган ёшларимизнинг маънавий-аҳлоқий жиҳатлари, уларнинг иродаси, бошқаларнинг фикрларини эътиборга олиш,

катталарга хурматда бўлиш, инсонларга яхши муносабатда бўлиш холатларида кўришимиз мумкин.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар жамиятимиз аъзолари, хусусан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ғурур туйғусини кучайтириш, уларда бағрикенглик, сабр тоқат, тенглик, меҳрибонлик, ҳамдардлик каби умуминсоний фазилатларни шакллантириш, таълим-тарбия борасида миллий ва умуминсоний қадрятлардан самарали фойдаланиш, ёшларимизни мустакиллигимизнинг онгли фидоийсига айлантириш заруриятини такоза этади. Ёшларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг толерантлик гоялари асосида амалга ошиши уларни дунё карашини кенгайтириб жаҳон ҳам жамиятда ўз ўринларин эгаллашга туртки вазфасини ўйнайди десак хато бўлмайди. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган бошқа миллат вакиллари бўлган ёшларни ҳам амалга оширалатган кенг кўламли ислоҳатларда фаол иштирок этишга турти бўлади. Бу эса мамлакат мустакиллиги, баркарорлиги ва тараққиётини кафолатловчи муҳим омилларидан бири эканлиги ижтимоий фанлар татқиотларида ўз исботини топган.

АДАБИЁТЛАР

1. Мусаев М. Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктор (PhD)
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. <http://aza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasini-yanada-rivozhlantirish-b-yicha-arak-07-02-2017>
3. Кўшоқова Г. Таала ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг педагогик мазмунига доир. Шарқшунослик. ТошДШИ, 2009.
4. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутк <https://aza.uz/posts/-zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>
5. Муртазаева Р.Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик.-Тошкент: Университет, 2007.-Б.146-147